



Миллий маънавиятимизнинг ўн тўрт асрлик тарихини исломсиз тасаввур этиб бўлмайдики, мусулмонларнинг мукаддас китоби Куръони Карим асрлар оша ажодларимиз хаётининг ажралмас кисми бўлиб келган. *Куръон одамлар унинг оятларини тафаккур килишлари ва акл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз (Аллох – З.И.) сизга нозил килган муборак китобдир*

[\[1\]](#)

Агар Куръондан аввал нозил килинган Таврот, Забур, Инжил бир кавм, бир шахар ёхуд бир миллатга жўнатилган бўлса, Куръон барча миллат ва барча мамлакатларда яшайдиган одамларни тўғри йўлга бошлаш учун жўнатилган.

Куръонда “...оятларнинг таъвилини факат Аллохгина билур” [\[2\]](#) дейилган. Куръонни тафсир килишда Аллох каломидан сўнг энг ишончли манба пайгамбар суннатидир. Куръонни Мухаммад с.а.в.дан кейинги билувчирок зотлар сахобалар

[\[3\]](#)

, улардан кейин тобеъинлар

[\[4\]](#)

, улардан сўнг тоба тобеъинлар

[\[5\]](#)

эдилар. Абу Мансур Моторудий “тафсир сахобалар учун, таъвил эса факихлар учундир” деб ёзган ва ўз фикрини мустахкамлаш учун куйидаги далилларни келтирган:

“Сахобалар Куръоннинг тушишига шохид бўлган кишилар бўлиб, уларнинг сўзлари Куръонни ўзича тафсир килиш эмас, кўрган ва билганларини баён килишдир.

Сахобалардан кейинги замон олимларининг сўзларини “тафсир” деб бўлмайди. Улар қандай фикр билдирсалар ҳам, кўрганларини эмас, ақллари етганини сўзлайдилар. Бу ўзбошимчалиқдир”.

Абдуллох ибн Аббосдан ривоят килишларича, Мухаммад с.а.в.

“Ким Куръон хакида билмасдан бирон нима айтса, жойини дўзахдан тайёрлаб олсин”

дедилар. Демак, Куръонни билмаган киши уни ўзича таъвил килишга ҳаққи йўқ.

Муслмонлар оятларни тўғри тушуниш учун тафсирга мухтож бўлишган. Куръон илмининг билимдонлари бўлган муфассирлар томонидан амалга оширилган тафсирилар Куръон оятларини маъноларини англашга йўл очган.

Шуни алоҳида кайд этиш жоизки, барча муфассир ва уламолар 23 йил давомида нозил бўлган Куръон фасохат ва балогат илмида бемисл ажабтовур илохий фазилатга эга бўлганини таъкидлаганлар. Бунинг изоҳи Куръон нозил килинган даврдаги арабларнинг шеърийят, балогат ва сўзамолликда баркамол бўлганликлари, хаттоки йўлда кетаётган ёки жанг қилаётган вақтларида ҳам беихтиёр шеър тўкиб юборганликларида англашилади.

Жоҳилият даврининг фасохат ва балогат илми ривожланган паллада ёзиш ва ўқишни билмайдиган Мухаммад с.а.в.га барчани ожиз колдирадиган Куръони карим оятлари нозил бўлиши албатта буюк мўъжиза эди.

Куръонда илм-фан хали кашф килишга улгурмаган ва инсон ақл-заковати етмаган мўъжизалар бисёр. Бугунги хайратимиз эртага оддий хол бўлиб колгани холда эртадан сўнг қандай кашфиётлар кашф килиниши ёлғиз Ўзига аён. Шу ўрнида Куръоннинг мўъжизаси хакида тўхталсак: Куръон 77439 калима, 340740 та харфдан, 6236 оятдан (баъзи манбаларда 6204, 6219, 6226 дейилган – З.И.) 114 сурадан, 30 жуздан, ҳар бир жуз 10 варақдан жами 300 варақдан ташкил топган. Сонлардан 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 19, 20, 30, 40, 50, 70, 80, 99, 100, 200, 300, 1000, 2000, 3000, 5000, 50000, 100000 рақамлари келтирилган. Куръонда 19 рақами билан боглик жуда кўп мўъжизалар борки, инсоннинг ақли шошади. “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” лафзи 19 харфдан иборат. Илк нозил бўлган “Алак” сураси 19 оятдан иборат ва ҳаказо. Аллох сўзи 2698 марта, “кун” сўзи 365 марта, “кунлар” сўзи 30 марта, “ой” сўзи 12 марта, “хаёт” ва “ўлим” сўзлари 145 марта, “кофирлар” ва “дўзах” сўзлари 154 марта, “дунё ва охират” сўзлари 115 марта, “закот” ва “баракот” сўзлари 32 марта, “кийинчилик” ва “сабр” сўзлари 102 марта, “Куръон”, “намоз” ва “нажот” сўзлари 68 марта, “зикр” сўзи 21 марта, “исм” сўзи 19 марта, “хиёнат” сўзи 16 марта, “фуркон” сўзи 7 марта, “осмон” сўзи 7 марта такрорланган. Осмоннинг етти қават экани етти ўринда, “айтдилар” ва “айтди” сўзлари 332 марта, “хуруфи мукоттаъот” – маъноси узилган харфлар билан бошланган суралар сони араб алифбосидаги харфлар сони билан тенг, яъни 29 ўринда келган [\[6\]](#) .

Маъноси узилган харфлар Аллохнинг мўъжизасидир. Уларнинг тафсири борасида

хаттоки Мухаммад с.а.в. дан ҳам бирон хадис ривоят килинмаган. Бу харфлардан мурод Аллохнинг Ўзигагина аён. Орифлардан бири *“Хар бир самовий китобда Худонинг сири бор ва Куръон харфлари ҳам илохий сирдир”* дегани холда, баъзилар бу харфларни Пайгамбар с.а.в.нинг номи деб таъкидлашади. Яна бошқа фикрга кўра, мазкур харфлар Худонинг улар воситасида касамёд келтиришидир.

Мукаддас илохий китоб бўлган Куръони карим ўзида жам этган мавзулар кўлами ва мазмунлар мундарижасини тўла ўрганиш кишидан юксак билим ва салохият талаб этади. Шу билан бирга Куръоннинг инсон ҳаётидаги ўрни, уни билиши ва ўқиганларига амал қилиши лозим бўлган жихатларини эътиборга олинса, Куръонни тафсир ва талкин этиш ва халққа истеъфода этиш муфассирлар зиммасига жиддий масъулият юклаган. Буюк ватандошларимиз Абу Мухаммад Абдуллох ат-Тамимий ад-Доримий [7] (ваф. 869 й.), Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий

[8]

(ваф. 870 й.), Абу Исо ат-Термизий

[9]

(ваф. 892 й.), Абу Мансур Моторудий

[10]

(ваф. 944 й.) Абуллайс Самаркандий

[11]

(ваф. 1003 й.), Махмуд Замахшарий

[12]

(ваф. 1144 й.), тафсирлари хозирга қадар ахамиятини йўқотмаган.

Муфассирлар томонидан таълиф этилган ҳар бир тафсир ёзилиш услуби, оятлар шарҳига аклий ва наклий далиллар билан ёндашиш шакли, хадис ҳамда уларга алоқадор ривоятлар билан мустаҳкамлаш, саҳоба, тобеъин, тоба тобеъинларнинг сўзлари билан шарҳлаш билан фарқланган бўлса ҳам, тафсирлар ўртасида ихтилоф йўқ. Аксинча, бир тафсир иккинчисини тўлдириши, янги-янги манбалар билан бойитилиши муҳим ахамият касб этган.

Куръон тафсирларида “Хуруфи мукоттаъот” ҳақидаги фикрлар барчани кизиктириши табиий. Тафсир илмида машҳур бўлган алломалар, муфассирларнинг [13] бебаҳо қўлланмаларига таянилган кўплаб шарҳлар мавжуд. Жумладан, Махмуд Замахшарий ўзининг “Кашшоф” китобининг мукаддимасида *“Агар Куръонни нозик нукталарини кашф этмаганимда Куръон ёпиклигича қолиб кетган бўлар эди”* деб ёзган ва маънодан узилган харфлар ҳақида

“Алиф, лам, мим. Алиф, лам, мим ва хо мим, алиф, лам, мим, сод ва сод калитлардир. Шу харфлар билан Аллох Куръонни очди”

[14]

деб тафсир этиш билан кифояланган.

Исмоил ибн Касир (ваф. 774 й.)нинг “Тафсир ул-Куръонил азийм” хуруфи мукоттаъот хакида шундай ёзади: Кўплаб муфассир олимлар йигирма тўққиз сура аввалида келган кесик харфлар хакида ихтилоф этдилар. Улардан бирлари Куртубий хазратлари ўзларининг Абу Бакр Умар ва Усмон ва Али ва Ибн Масъуд р.а.лар тарафидан килинган тафсир китобларида айтадиларки, *бу харфлар шундай харфларки, илмига факат Аллох эгадир. Бас, у харфлар илмини Аллохга хавола этдилар ва тафсир этмадилар. Демак, тўрт халифа ва расули акрам (с.а.в.)дан умрлари охиригача ажралмаган ва доим у зот билан бирга бўлган Куръон ва хадис илмига мохир Ибн Масъуд р.а. хуруфи мукоттаъот илмини Аллохга хавола этсалар яна бу ҳақда қандай изох ва қандай кўшимчалар керак!?*

[15]

Мухаммад Сулаймон Абдуллох ал-Ашкор “Зубдат ул-тафсир мин фатх ил-кодир” номли китобида шундай ёзган: *“Куртубий ўз тафсирларида суралар аввалида келаётган харфлар Куръон ичидаги Аллохнинг сирри. Бундан нимани ирода қилганини Аллохнинг Ўзи билади деб айтдилар. Ва яна айтдиларки, уламолардан кўплари бу харфлар ҳаққида баҳс олиб бордилар. Улар маъноси узик харфлар ҳаққида сўзлашни яхши кўрамыз ва кошки у харфлар замиридаги фойдаларга ва улардан чиқиб келаётган маъноларга эга бўлсак”* дедилар. Уламолардан баъзилари айтдиларки, бу харфлар хижойи харфларга ишорадир. Араблар Куръонга нисбатан беодоблик билан бу бизнинг сўзларимизга бино қилинган харфлардан хосил бўлган оддий шеър деганларида Аллох уларга билдириб қўйдики: *Алиф, лам, мим. Сизлар ҳам кўллариңиздан келса бирор оят тузингларчи!?* Токи уларнинг бирор оят тузишдан ожиз эканликлари ўзларининг зарарларига хужжат бўлишлиқда таъсирлироқ бўлсин. Чунки у харфлар ҳам араб каломидан ташқарида эмас эди

[16]

. Мусанниф “Бакара” сурасидаги “Алиф, лам, мим”га изох берган ва қолган йигирма саккиз сура аввалидаги хуруфи мукоттаъотга ҳеч қандай изох бермаган. Зеро, ақл эгаларига сўз эмас, ишора кифоя этади.

Саййид Махмуд Тарозий Олтинхон Тўранинг Куръон тафсирида шундай ёзилган: *“Хуруфи мукоттаъа, яъни узик харфлар Куръони каримда 29 сура аввалида келгондур. Бу харфларга жумхури уламо маъно бермайдурлар, балки, “Аллох аъламу бимуродаху” деб кетарлар. Чунки бу харфлар асрори Куръониядиндур ва Аллох таоло ўз асрорин ўзи яхшироқ билур”*

[17]

Шайх Мухаммад мулло Рустам ўгли Қўқондий – Мавлавий хожи Хиндистоний ўзининг “Ба ён ул-Фуркон фий таржимат ил-Куръон” тафсирида “Бакара” сурасидаги биринчи оятдаги “Алиф. Лом. Мим.”га “Бу хуруфларни маъносига Аллох таолони Ўзи донадур” деб, “Ол-и Имрон” сурасидаги мукоттаъот харфларга “Бу хуруфлардан Парвардигорни муроди нима бўлса, Ўзи биладур” деб, “Аъроф” сурасидаги мукоттаъот харфларга “Бу хуруфлардан Аллох таолони муроди нима бўлса, Ўзи биладур” деб, “Тоҳо” сурасидаги мукоттаъот харфларга “Парвардигор бул калимадин нимани ирода килгон бўлса, Ўзи биладур” деб, “Намл” сурасидаги мукоттаъот харфларга “Бу хуруфларни маънисини Парвардигорга хосдур” дейиш билан чекланган. Баъзи суралардаги мукоттаъот харфларга изоҳ берилмаган.

Алоуддин Мансур эса мукоттаъот харфларга куйидагича изоҳ берган: “Куръондаги бир неча сура ёлғиз-ёлғиз харфлар билан бошланади. Кўпчилик ислом уламолари наздида мазкур харфлар “хуруфи мукоттаъот”, яъни маънодан узилган харфлар саналиб, уларнинг маъноси ягона Аллохгагина маълум. Илохий мўъжиза бўлган бу Китоб одамлар осон ўқиб-англаб амал қилишлари учун улар яхши танийдиган харфлар билан осон тушуниладиган қилиб юборилган. Лекин одамлар орасида “алиф” – Аллох, “лом” – Жаброил (Аллох билан пайгамбар ўртасида воситачи фаришта), “мим” Мухаммад с.а.в. деб харфларга маъно берувчилар ҳам бор”

[18]

Ушбу масала юзасидан Абдулазиз Мансур Куръони Карим маъноларининг таржимасида шундай ёзган: “Куръонда 29 та сура хижо (алифбо) харфлари билан бошланади. Уларни “хуруфи мукоттаъот”, яъни таркибдан ажратилган харфлар деб аталади. Бу харфларнинг мазмуни ёки нималарнинг аломати экани тўғрисида бахс юритиш ман этилган. Уларнинг маъносини фақат Аллохнинг Ўзи билади, деб эътиқод қилиш зарурдир. Лекин баъзи муфассирлар ўз тафсириларида уларни изоҳлашга ҳам уринганлар”

[19]

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф мукоттаъот харфларга муносабат билдиришда сукутни афзал қўриб, “Тафсири Хилол” китобида фақат “Бакара” сурасидаги биринчи оят хақида тўхталиб ўтганлар ҳолос. Унда куйидаги фикрлар билдирилган: *Куръони*

Каримнинг йигирма тўққиз сураси Алиф. Лом. Мим. га ўхшаш харфлар билан бошланган. Бу харфларга турлича ном берилган: баъзилар “Хуруф ул-мукоттаъот” кесик харфлар десалар, бошқалари “Хуруф ул-хижой” – алифбо харфлари дейдилар. Учинчилари эса “Фавотух ус-сувар” – сураларни очувчилар дейдилар. Бу харфларга турлича ном берилганидек, баъзи сураларнинг улар ила бошланишидан кўзланган мурод хақида ҳам хар хил фикрлар айтилган. Бу ҳақда махсус бахслар ҳам бор. Баъзи уламолар бу харфларнинг сиррини Аллохга хавола этадилар, бошқалари “Бу – Аллох билан Пайгамбар алайхиссалом ўрталаридаги сир” дейдилар.

Ихтилофнинг асосий сабаби улар хақида на Пайгамбар алайхиссаломнинг ўзларидан, ва на саҳобаи киромлардан бирорта ҳам ривоят йўқлигидир. Шубҳасиз улар бу харфлардан мурод нималигини яхши билганлар, шунинг учун ҳам бир-бирларидан сўрамаганлар ва ривоят қилмаганлар. Саҳобаи киромларнинг одатлари – билмаган нарсаларинигина сўрадилар. Улар улуг зотлар бўлиб, елкаларида Ислом динини бутун дунёга тарқатишдек улкан масъулият ётганини тўлиқ тушунар эдилар ва асосий эътиборни шунга қаратардилар. Билган нарсалари хақида тортишувларга тоқатлари ҳам, вақтлари ҳам йўқ эди. Кўпгина тафсирчилар, айниқса, тафсирчиларнинг кейинги авлоди баъзи сураларнинг мазкур харфлар билан бошланиши, арабларга “Қуръон сизлар ишлатиб юрган “Алиф”, “Лаам”, “Мийм”га ўхшаш харфлардан тузилган, кўлингиздан келса, сизлар ҳам шунга ўхшаш нарса тузингларчи” деган маънони билдиради, деганлар

[\[20\]](#)

Авлиё ва ориф зотлар илохий амр ва ҳукмларнинг бажарилишига масъул “Аллох кўзларидан бир кўз” [\[21\]](#) бўлиб, Саййид Неъматуллох Валийнинг (1330-1431) “Биз (авлиё) Худони халққа танитмоқ учун дунёга келдик”

[\[22\]](#)

деган сўзлари валийларнинг ҳаётий маслакларини аниқ ифодалайди. Улар ахлокий поклик, рухий кудрат, заковат, кишилар калбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бажариш, ҳақгўйликда намуна кўрсатганлар. Айниқса, илохий хикматларга йўғрилган Қуръон оятларининг ботиний маъноларини очишга эътибор қилганлар. Шу ўринда тасаввуф алломаларидан бири “Пири Хирот” номи билан машҳур бўлган Хожа Абдуллох Ансорийнинг Қуръони каримнинг адабий-ирфоний тафсиридаги “Қуръон муташобихоти” бўлган суралар бошидаги рамзий харфлар хусусида тўхталсак:

“Билгилки, ёлғиз (тоқ) харфлар воситасида қилинган хитоб дўстлар сири ва суннатидир. Ҳақиқатда, бир дўстнинг дўстга рақиб оғох бўлиб қолмаслиги учун қилган сирли розидир”.

Алиф. Лом. Мим. Рамзи билан дейди: Эй Дўст! Жаброил пардаси, воситасини бир дам тарқ айлагил, токи ишқ сифати иззат никобини кўтарсин, токи пинхоний хайратлар ва гайбий захиралар сенга юз кўрсатсин. “Алиф” харфларнинг пешвоси – олди ва маъруфи. У бошқа харфларга қўшилмайди, харфлар унга келиб қўшилади. “Алиф”нинг ҳеч бир харфга ниёзи йўқдир, барча харфларнинг “Алиф”га ниёзи бор. “Алиф” аввалда ва

охирда бирдир, тўғридир ва бир рангдадир. Бошка харфлар эса ранг-баранг. Бас, уч харфнинг хар бири бир нурдан ёришган чирокдир, хакикат машригидан бош кўтариб, гайрат осмонида тараккий этган Куёшдир. Башарият сифатлари ва халк кудуратлари. Хижоб нурдир, токи хижоб бордир нурнинг тугаши хатодир

[\[23\]](#)

Энди Куръоннинг 36-сураси бўлган “Ёсин” сураси хакида тўхталсак:

“Ёсин” сураси ўзининг илк ояти “Ё, син” харфлари билан аталган бўлиб, унинг Куръони Каримда тутган ўрни-мартабаси хакида Пайгамбар с.а.в.дан куйидаги хадис ривоят килинган: “Албатта хар бир нарсанинг калби бордир. Куръоннинг калби “Ёсин”дир. Мен бу сурани умматимдан хар бир кишининг калбида бўлишини истар эдим” [\[24\]](#).

Олтинхон Тўра “Ёсин” сурасини шундай тафсир килади: “Ёсин” калимаси икки харфдан иборатдур. Аксар тафсирчилар бу калимага таржима ва тафсир ёзмаганлар. Баъзилари маъниси “ё Мухаммад”, “ё инсон”, “ё Саййид” дур дебдирлар. Муроди саййиди олам пайгамбаримиз бўлурлар” [\[25\]](#).

“Авроди Куръоний” да хам юкоридаги фикрлар тасдиқланган: 1. Ёсин (Эй, комил инсон – хабибим, Хазрати Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам!)

[\[26\]](#)

. “Тафсири Табарий”дан келтирилишича, “Ёсин”нинг хакикий маъносини Аллох ва унинг расулигина билур. Баъзи мухаккиклар уни “Эй, Мухаммад” дегани” деганлар. Баъзилари “Эй, комил инсон” дея таъвил килган бўлсалар, баъзи орифлар наздида “Эй, Саййид” маъносидадир.

“Пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в.: “Ёсин Куръоннинг калбидир. Уни бир бор тўлик ўқимоклик Куръонни ўн бор бошдан охир ўқимоклик билан тенг”

[\[27\]](#)

деб мархамат килганлар.

“Тафсири Насафий”да келтирилишича, “Хадиси шарифда бу хусусда куйидагича баён берилган: Мухаккикки, Аллох таоло мени (Мухаммад с.а.в. – З.И.) Куръонда етти исм билан номлади: Мухаммад, Ахмад, Тохо, Ёсин, ал-Музаммил, ал-Муддассир ва Абдуллох. Шунингдек, баъзилар “Ёсин”нинг маъносини “Ё Саййид” деганлар”

[\[28\]](#)

Ислом энциклопедиясида ёзилишича: “Сура аввалида “йа” ва “син” харфларидан ташкил топган “ёсин” калимаси сурага ном бўлиб колган. “Ёсин”нинг фазли хакида кўпгина хадисларда ривоят килинган. Уларнинг аксариятида бу суранинг Куръоннинг калби экани таъкидланган [\[29\]](#) .

Куръони Каримнинг рус тилидаги нашрида шундай ёзилган: “Й.с. В арабской азбуке первую из этих букв называются я, вторую син. Поэтому Мохаммедане называют эту главу “Я син” [\[30\]](#) .

Куръон илохий китоб. Инсонни хидоятга етакловчи, ўкиб амал килиш лозим бўлган буюк ахлоқ китоби. Юкорида кўриб ўтганимиз шундай мўътабар Куръон тафсирларида муфассирлар хиссиётга берилмай, маънодан узилган харфлар изохида сукут саклашлари Оламлар эгаси ва унинг расулига бўлган чексиз хурмат-эҳтиромлари намунасидир...

Дунё микёсида Амир Темур шахсига жуда кўп марта мурожаат килинган, тарихий романлар, киссалар, илмий бадиҳалар ёзилган. Унинг жахон маданиятида тутган ўрни илмий таҳлил килиниб, юзлаб тадқиқотлар килинган ва бу жараён давом этмоқда. Мухтарам юртбошимиз И.Каримов эътироф этганларидек, “Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демақдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демақдир. Амир Темурни улуглаш – тарих каърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустахамлаш демақдир” [\[31\]](#)

Улуглашга лойик инсон, саркарда ва давлат арбоби, тарихий мавзудаги асарлари билан хам машхур бўлган Марсель Брион (1895 йилда тугилган)нинг “Менким, сохибкирон – жахонгир Темур” [\[32\]](#) китоби хам Амир Темур шахси, унинг хаёти, фаолияти, сиёсий ва харбий сохаларда тутган йўлига оид маълумотларни камраб олган.

Асардаги диққатимизни тортган жихат Амир Темурга Куръон ўқишдан таълим берган устози шайх Шамсиддин билан богликдир. Асарнинг 13-14-бетларида Амир Темур қандай

килиб устози шайх Шамсиддиндан Куръон сураларини ёд олгани баён килинади: “... Усто з “Ёсин” сурасини жуда хам ифодали ва чиройли тажвид билан кироат килди. Факат дастлабки “Йа син. Вал Куръанил хакийм” оятидан сўнг бир муддат тўхтаб, “Йа син”нинг маъносини билиш-билмаслигимни сўради. Мен (Амир Темур – З.И.) билганимча жавоб килдим. “Йа” арабчада бировга мурожаат килинганда ёки бировни чакирганда ишлатиладиган товуш эканини, аммо бу ўринда “син” сўзи кандай маънога эга эканини билмаслигимни айтдим. Устоз укдирди: “Син” инсон маъносини беради, аммо хар бир кишига эмас, мухим кишига нисбатан ишлатилади... Мен хакикатан хам араб алифбосидаги биргина харф “Син” – “инсон” маъносини беришини билмас эдим. Шу боис бу ҳақда устозимга айтдим. “Назарий жихатдан сен хаксан. Тўгри таъкидладинг”, – дея мени маъкуллади устоз, “Син” харфи бошка харфлар сингари бир товуш, у алоҳида холда маъно-моҳиятига эга эмас. Бирок бу харф “сирра” маъносини беради. Кўрдингми, Аллох ўз расулини шу кадар севадики, уни “Эй райхон” деб мурожаат килмоқда”

[33]

Фикримизча, Марсель Брион Куръон тафсири одобларини четлаб ўтиб, Амир Темурнинг устози тилидан “Ё син”ни таъвил килган. Вахоланки, биз кўрган тафсир китобларида “Йа син”ни “Эй райхон”

деган тафсири учрамади.

Шунингдек, исломий эътиқод эгаси бўлган шайх Шамсиддин хам “Ёсин” сурасини тафсири хақида ҳеч бир монеликсиз сўз юритиши мантикка зид. Зеро, Куръон хақида, унинг оятлари хақида, “хуруфи мукоттаъот” хақида фикр айтиш учун муфассир даражасига эга бўлиш талаб этилар эди. Шайх Шамсиддин хам бу чеклашлардан хабардор бўлган. Албатта, Марсель Брион китобни янада ўқимишли, кизикарли ва эътиборни тортадиган воқеалар билан тўлдиришга ҳаракат килгани кўриниб турибди. Вахоланки, Амир Темур хақида ёзилган асарларнинг аксарияти унинг жанговар юришлари ва харбий сиёсати хақида батафсил маълумот берса хам, буюк соҳибкироннинг болалик йиллари тўла акс этган асар йўқ ҳисоби.

Аллох хидоятга бошлаган инсонни ҳеч ким йўлдан адаштира олмайди ва Аллох адаштирган кимсани энди ҳеч ким хидоятга етаклай олмайди. Лекин бир лафз, бир сўз туфайли ихтилофлар келиб чиқиши, диний саводсизлик авж олиши, фиркачиликка замин яратилиши, мутаассибликка йўл очилиши, бидъат ва хурофот кенг ёйилишига, хаттоки, кишиларнинг диндан йироқлашуви, динга шубҳа билан карашларига олиб келиши мумкин.

“Марсель Бриондек ёзувчи маънодан узилган харфни таъвил килиши мумкин экану, нега бизга мумкин эмас”

дейдиган чала муллалар Куръонни ўз билганича, ботил ниятини амалга ошириш, динни бузиш учун тафсир килмаслигига ким кафолат беради?

“Менким, сохибкирон – жахонгир Темур” китоби биринчи нашрдан сўнг кайта нашр килинган бўлса ҳам эътиборсизлик ёки унча ахамият берилмагани сабабидан “Ёсин” сураси билан боғлиқ воқеа яна босилиб чиққан. Фикримизча, Марсель Брионнинг ушбу китоби кайта нашр килинишидан аввал эътикод масалаларига жиддий ёндашиш, лозим бўлса икки бетнинг бахридан ўтиш – ҳам Куръони каримнинг, ҳам шайх Шамсиддин Кулол шахсининг, ҳам Амир Темур шахсининг, ҳам Марсель Брионнинг хурматлари сакланган бўлар эди.

[1] Куръони карим. Ўзбекча изохли таржима. Сод сураси, 29-оят. / Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т. Чўлпон, 1992. 422-бет.

[2] Куръони карим. Ўзбекча изохли таржима. Ол-и Имрон сураси, 7-оят. 45-бет.

[3] Сахоба – Мухаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари, у зот билан мулоқотда бўлган ёхуд газотларида катнашган кишилар “сахоба” (“тарафдор”) деб аталган. Кейинчалик Мухаммад (с.а.в.)ни локал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар ҳам “сахоба” дейилган. Сахобаларнинг олий катлами мухожирлар ва ансорлардан иборат бўлган. Улар дастлабки халифаларни сайлашга таъсир кўрсатганлар, улар ноиблик ва олий даражадаги лашкарбошилик мансабига тайёрланган. Халифа Умар (634-644) даврида сахобалар ўн минг кишини ташкил этган.

[4] Тобеъин – арабча карам, издош деган маънони англатади. Ислом тарихида сахобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илохиятчилар.

[5] Тоба тобеъин – тобеъинлардан кейинги даврдаги илохиятчилар. “Табаъа тобеъин”, яъни “тобеъинларнинг тобеъинлари” деб аталган.

[6] “Хуруфи мукоттаъот”нинг жами 78 та. Маънодан узилган харфлар келган суралар куйидагилар: Бакара сураси (Алиф, лом, мим), Ол-и Имрон сураси (Алиф, лом, мим), Аъроф сураси (Алиф, лом, мим, сод), Юнус сураси (Алиф, лом, ро), Худ сураси (Алиф, лом, ро), Юсуф сураси (Алиф, лом, ро), Раъд сураси (Алиф, лом, мим, сод), Иброхим сураси (Алиф, лом, ро), Хижр сураси (Алиф, лом, ро), Марям сураси (Каф, ха, йа, айн, сод), Тоха сураси (То, ха), Шуъаро сураси (То, син, мим), Намл сураси (То, син), Касос сураси (То, син, мим), Анкабут сураси (Алиф, лом, мим), Рум сураси (Алиф, лом, мим), Лукмон сураси (Алиф, лом, мим), Сажда сураси (Алиф, лом, мим), Йасин сураси (Йа, син), Сод сураси (Сод), Гофир сураси (Хо, мим), Фуссилат сураси (Хо, мим), Шўро сураси (Айн, син, коф, хо, мим), Зухруф сураси (Хо, мим), Духон сураси (Хо, мим), Жосия сураси (Хо, мим), Ахкоф сураси (Хо, мим), Коф сураси (Коф), Нун сураси (Нун).

[7] Абу Мухаммад Абдуллох ат-Тамимий ад-Доримий. “Сунани Доримий”. Ушбу ноёб асар 1996 йилда Байрутнинг Дор ул-кутуб ал-илмийа” нашриётида икки жилд килиб чоп этилган.

[8] Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Куръон тафсирига оид “Ат-тафсир ал-кабир” номли асар ёзган. Бу тафсир бизгача етиб келмаган. Мўътабар манбаларда зикр этилган бу китоб кайсидир кутубхона ёки музейда сакланаётган бўлса ажаб эмас – З.И.).

[9] Абу Исо Мухаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заххок Суламий Бугий ат-Термизий. “Сунани Термизий”. – Т.: 1999.

[10] Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад ал-Моторудий. “Таъвийлот ал-Куръон”. ЎзР ФАШИ Кўлёмалар фонди. 5126-ракамли кўлёмза.

[11] Абу Лайс Наср ибн Мухаммад ибн Ахмад ибн Иброхим ас-Самаркандий. Бахр ул-улум. Куръон тафсирига багишланган ушбу асар Миср Араб Республикаси ҳамда Буюк Британиянинг Эйденбург шахри кутубхонасида сакланади.

[12] Абул Косим Махмуд ибн Умар ибн Мухаммад аз-Замахшарий. “Ал-кашшоф ан

хакойик ит-танзийл ва уйун-ил-аковийл фий вужух ит-таъвийл”. (“ал-Кашшоф” номи билан машхур бўлган).

[13] Имом Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Жомиъ ул баён фи тафсир ил-Куръон”, Исмоил ибн Касирнинг “Тафсир ул-Куръонил азийм”, Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ал-Куртубийнинг “Ал-жамиъ ли ахкамил Куръан”, Ал-Фахрур Розийнинг “ат-Тафсир ул-Кабир” ва шу каби Куръон тафсирлари кимматли манба сифатида эътироф этилган.

[14] Абул Косим Махмуд ибн Умар ибн Мухаммад аз-Замахшарий. Ал-кашшоф ан хакойик ит-танзийл ва уйун-ил-аковийл фий вужух ит-таъвийл. Байрут, Лубнон. 1983.

[15] Исмоил ибн Касир. “Тафсир ул-Куръонил азийм”. Лубнон. 1980. 132-саҳифа.

[16] Мухаммад Сулаймон Абдуллох ал-Ашкор. Зубдат ул-тафсир мин фатх ил-кодир.

[17] Ал-Куръон ал-карим / Таржимон ва тафсир килувчи Саййид Махмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий – Олтинхон Тўра. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Исматуллох Абдуллох. – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 13-бет.

[18] Куръони карим. Ўзбекча изохли таржима. Бакара сураси, 1-оят. / Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т. Чўлпон, 1992. 6-бет.

[19] Куръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 2-бет.

[20] Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. “Тафсири Хилол”. Биринчи жуз. Бакара сураси, 1-оят. 14-бет.

[21] Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд / Нашрга тайёрловчилар С. Ганиева, М.Мирзаахмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима килиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мухаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. 127-бет.

[22] Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. 429-бет.

[23] Абдуллох Ансорий. Куръони Каримнинг адабий-ирфоний тафсири // Сино журнали. 2003. 11-сон. 5-6-бетлар.

[24] Куръони карим. Ўзбекча изохли таржима. Ёсин сураси / Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т. Чўлпон, 1992. 307-бет.

[25] Ал-Куръон ал-карим. Ёсин сураси, 1-оят. / Таржимон ва тафсир килувчи Саййид Махмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий – Олтинхон Тўра. Нашра тайёрловчи ва сўз боши муаллифи исматуллох Абдуллох. – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 369-бет.

[26] Авроди Куръоний. Хафта кунлари давомида ўкиладиган Куръоний зикр-дуолар / Мусанниф Мухаммад Зоҳир ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Таржимон, шарх ва изохлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ханафий. – Т.: Мовароуннахр, 2005. 15-бет.

[27] Авроди Куръоний. Хафта кунлари давомида ўкиладиган Куръоний зикр-дуолар. 15-бет.

[28] Авроди Куръоний. Хафта кунлари давомида ўкиладиган Куръоний зикр-дуолар. 15-бет.

[29] Ислон. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. 76-бет.

[30] Коран. Глава (36-ая) “Ис”, стих 1 / Коранъ. Перевод с арабского языка Г.С.Саблукова. Третье издание. Казань, Центральная типография, 1907. 823-стр.

[31] Каримов И. Азалий буюклик маскани. И.Каримовнинг Самарканд шахрида Амир Темур хайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутк. 1996 йил, 18 октябрь / Амир Темур жахон тарихида. Масъул мухаррир Х.Кароматов. – Т.: Шарк, 2001.

[32] Брион М. Менким, сохибкирон – жахонгир Темур / Таржимон Ф.Рўзиев, Ф.Тилавов. Кайта тузатилган нашр. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 572 бет.

[33] Брион М. Менким, сохибкирон – жахонгир Темур. 13-бет.

Замирахон Исакова, ф.ф.н., доцент

Наманган давлат университети